



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 181 (9.984)

2003 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари!
Хар йили 11 сентябрь куни америкаликлар 2001 йилдаги террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган ватандошлари хотирасини чуқур қайғу ва эҳтиром билан ёд олади. Бироқ, ўша куни фақат америкаликларгина ўз яқинларидан жудо бўлгани йўқ. Бошқа кўплаб мамлакатлар фуқаролари ҳам ҳалок бўлгани ёдимизда. Ватандошларим ҳамда шахсан ўзим сизларнинг қай-гунгизга шерикмиз ва ўша террорчилик ҳаракатлари чоғида ҳалок бўлган ҳамюртларингиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш ва хотирлашда сиз билан биргамиз.

Террорчилар тинч аҳоли ҳаётига зомин бўлиб, тобора кенг кўламда кўркув ва парокандалик уруғини сочиш ниятида. Улар цивилизацияга таҳдид солиб, низоларни ҳал этишнинг тинч ва оқилона усуллари инкор этмоқда. Террорчилар бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини менсимай, тараққий этган дунёнинг барчамиз муносиб ҳаёт кечиришимиз учун зарур бўлган эркинлик, ўзаро ҳурмат ва баррикенглик каби қадриятларига беписандлик билан қарамоқда.

Террорчиликка қарши кураш узоқ давом этади ва оғир кечади. Биз бу курашни ўзимиз ва фарзандларимизнинг ҳаёти учун, шунингдек, террорчилик қурбонларининг эркин хотираси учун давом эттирмаймиз.

Эҳтиром билан,

**Жорж БУШ,
АҚШ Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони билан бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни қатнашчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Давоми 2-бетда.



ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР



Тарихимизнинг кўҳна ва теран илдизларидан бўлган ва ҳозирги кунда ҳам юртимизнинг чиройига чирой, салоҳиятига салоҳият кўшиб келаётган қутлуғ масканларни обод қилиш, қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш тажрибаси истиқлол йилларида хайрли анъанага айланди.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида ҳудди шундай шодиёна — Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Нукус Қорақалпоғистоннинг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил: бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, корейлар, татарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамжиҳат, дўсту иноқликда яшайди.

Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот ва унинг юксак самаралари Нукус шаҳрининг янги тарихи саҳифаларидан эркин жой олмоқда.

Бу ерда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш анъана тусини олаётир. Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш юзасидан қатор халқаро ҳужжатлар имзолангани, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Оролбўйи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини белгилаб олишга бағишланган иккинчи йилги ўтказилгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилган, шаҳар бўйлаб кенг кўламда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 12 сентябрь куни бу ерга келди.

Давоми 2-бетда.

XVI сароси

Барча маълумотларда олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Конрад Аденауэр фонди ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорликда Наманган Давлат университетиде ташкил этган семинарда қатнашган сиёсатшунос олимлар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлажак Парламент сайловининг ўзига хос хусусиятлари, унда сиёсий партияларнинг иштироки, халқни сайловолди дастурлари билан таништиришда ОАВни роли хусусида фикр юритдилар.

• АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Каунтерпарт Консорциум ва ЗдравПлюс лойиҳаси томонидан молиялаштирилаётган уч йилга мўлжалланган «Соғлом ҳамжамиятлар» кўшма грантлар дастурининг учинчи босқичига танлов эълон қилинди.

• ЮНЕСКО мактаблар уюшмасининг аъзоси бўлган Бухородаги 8-ўрта мактабга Очиқ жамият институти томонидан 3 ярим минг доллар миқдорига грант топширилди. Эндиликда ушбу мактабда болалар санъат, мусиқа, адабиёт йўналишлари бўйича индивидуал фаолликни кўзда тутувчи «Қадамбақадам» махсус дастури бўйича тахсил олишади.

• Наманган шаҳрида халқ таълими ходимларининг навбатдаги спартакиадаси бўлиб ўтди.

Жаҳонда

• БМТнинг озиқ-овқат ташкилоти жорий йилда Европада бошоққилардан кейинги ярим асрда энг кам ҳосил олинганлигидан ташвишда. Шу сабабдан тахминларга кўра, Венгрия, Болгария, Руминияда доннинг етишимовчилик юзага келиши мумкин.

• Японияга катта зарар келтирган «Маэми» довули Жанубий Кореяда ҳам улкан вайроннагарчиликларни юзага келтирди. Жумладан, довул оқибатида 74 киши ҳалок бўлган, 24 киши бедарак йўқолган. 1,5 миллионга яқин аҳоли электр қувватисиз қолган. Кеча «Маэми» довули Россиянинг Сахалин ҳудудига етиб келди.

• Кеча Швецияда мамлакатнинг Европанинг ягона валютаси ҳисобланмиш еврога ўтиш ёки ўтмаслиги масаласига бағишланган референдум бўлиб ўтди.

• Нотинш террорчи томонидан ҳалок этилган Швеция Ташқи ишлар вазирани Анна Линднинг дафн маросимида 50 минг киши иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**

**Капитал қурилишда хўжалик
муносабатлари механизмини
такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Давоми. Боши 1-бетда.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлигига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97-сон, 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорларини пудрат қурилиш ташкилотларини, айниқса паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ташкилотларни хусусийлаштириш дастурларини бажариш юзасидан ишларнинг қонирқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Давархитектурулиш» қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ҳукуматнинг юқорида қайд этилган қарорларида кўрсатиб ўтилган пудрат қурилиш ташкилотларини 2003-2004 йилларда хусусийлаштиришни тўлиқ тугалласинлар, улар негизда асосан хусусий ва қўша қорхоналар ташкил этсинлар.

Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштиришда тегишли инвестиция мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда объектларни қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериш кенг қўлланилсин.

Пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

2. 2003-2004 йилларда тўлиқ хусусийлаштириладиган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектурулиш» қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа-қидирув ташкилотлари тўлиқ хусусийлаштирилишини ҳамда лойиҳа ишлари бозорида рақобат муҳити барпо этилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар:
марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом;
объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, объектлар қурилишини марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошираётган вазирликлар ва идоралар 2004 йил 1 июлгача капитал қурилиш бўйича бюджет бюртмачиларининг фаолият кўрсатиб турган ҳудудий хизматларини (бошқармалар, бўлимлар, дирекциялар) тугатсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурда марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблаг билан таъминланаётган объектлар қурилиши учун ягона бюртмачи хизматларини ташкил этинлар.

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона бюртмачи ҳудудий хизматининг намунавий тузилмаси ва Ягона бюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низом маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона бюртмачи хизматларининг штар жадваллари ва таъминотиغا харажатлар сметаси белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2003 йил 1 декабрда бўлган муддатда лойиҳа-қидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилашнинг янгиланган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда объектлар қурилишининг умумий қийматидан лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг «чекланган даражаларини» белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибда:

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига тўловлар бўйича қарзлари (шу жумладан илгари кечиктирилган қарзлари) 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра тўловларни икки йил муддатга кечиктирган, улар бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга жорий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарт билан кейинги икки йил мобайнида ушбу қарзларни ҳар ойлик тенг улушлар билан босқичма-босқич қайтариш йўли билан таркибини ўзгартиришни расмийлаштирсинлар;

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига муддати ўтказиб юборилган тўловлари бўйича пеня ва жарималарни 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра ҳисобдан чиқарсинлар.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар натижасида бўшайдиган маблаглар пудрат қурилиш ташкилотларининг айланма маблагларини тўлдиришга йўналтирилади.

7. 2006 йил 1 январгача бўлган даврда пудрат қурилиш ташкилотларининг улар томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган маблаглари даромад (фойда) солигини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базадан чиқарилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси «Давархитектурулиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда пудрат қурилиш ташкилотларига солиқ солиш бўйича кўрсатиб ўтилган имтиёзни қўллаш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда 2004 йилдан бошлаб пудрат қурилиш ташкилотларининг маҳаллий бошқарув органлари балансига берилган ижтимоий соҳа муассасалари таъминоти харажатларини маблаг билан таъминлаш учун уларга маблагларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 сентябрь



**ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ
ГАВҲАР**

Давоми. Боши 1-бетда.

Шаҳар марказидаги — байрам тадбирлари, учрашув ва концертлар ўтказиладиган маданият ўчоғи — 5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр янада чирой очган. Бу ерга вилоятлар ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Чорлов мусикаси янграйди. Юбилей тантаналарига бағишланган маросимни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга сўз берилди.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, улар сиймосида нукусликларни, б у т у н Қорақалпоғистон аҳлини Нукус шаҳрининг қутлуғ тўйи билан муборакбод этди.

Юртбошимиз Мустақиллик йилларида, шу жумладан, шаҳар юбилейига тайёргарлик доирасида кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширган, янги-янги бинолар ва иншоотлар барпо этган моҳир қурувчи ва усталарга, муҳандис ва меъморларга, мана шу савобли ишларга муносиб хисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик ихор этди.

Нукус тўйи муносабати билан шаҳарда бекиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Темир йўл вокзали, аэропорт, мусикали театр биноси, мактаблар, лицейлар, солиқни сақлаш ва дам олиш масканлари таъмирлангани, янги турар жойлар барпо этилгани шулар жумласидандир.

Халқлар дўстлиги, Ажиниёз ва Мустақиллик майдонлари, Наврўз Жапақов ва Пиржон Сейитов номидаги хиёбонлар шаҳарликлар ором оладиган гўзал масканларга айланди.

Бу улугвор ишлар Истиқлол берган



имкониятлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг дунёда бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш, чинакам буюк давлат, овоз ва обод Ватан, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу иштиёқи, фидойи меҳнати, энг муҳими, истиқбол сари юксак орзуларга тўла қалб ва ёруғ юз билан бораётганидан далолатдир.

Кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Юртбошимиз Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини шаҳар ҳокими Ж.Бердиқоновга топширди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ

ёзувчиси,
Ўзбекистон
Кахрамони
Т.Қаиббергенов,
Зулфия
мукофоти
соҳибаси
Д.Мамутова ва
бошқалар
Нукус
шаҳрининг 70
йиллик
тўйининг кенг
нишонланиши
ва «Дўстлик»
ордени билан
тақдирланиши

бунинг қорақалпоқ элини бехад қувонтирганини таъкидлаб, бундай катта эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Юбилей тантаналарига бағишланган «Гул-яшна, азиз пойтахтим» мавзудаги театрлаштирилган байрам дастури «Ватан мадҳи» қўшиғи билан бошланди.

Нукус санъат коллежининг чанқовузчи қизлари, «Айқулаш» ансамбли ҳамда бахши-қизларнинг куй-қўшиқлари барчага завқ бағишлади. Турли вилоятлардан келган санъаткорларнинг чиқишлари байрамга янада фойз киритди. Эстрада юдузлари ва умидли ёш хонандаларнинг «Орак сўзларим сенга, Қорақалпоғистоним!» деб номланган дастури байрам томошаларига яқун ясади. Шаҳар осмони турфа ранг мушаклар жилосидан янада чарақлаб кетди.

Нукус юбилейи шодиёналари барча жабҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётган, улугвор бунёдкорлик кайфияти билан яшаётган халққа буғингдек катта байрамлар яратишини ана бир бор намоён қилди.

**Вохид ЛУҚМОНОВ,
Аминбой ОРТИҚБОВ,
Ўза махсус мухбирлари**

**СУРАТЛАРДА:
тантанадан лавҳалар.**

**Дилшод ЮСУПОВ, Омонбой
МУРOTOV (Ўза) олган суратлар.**

**ҚИСКА
сатрларда**

● **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент теннис марказида ўтказиладиган теннис бўйича XXI Осиё чемпионати бағишлаб матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон теннис федерацияси мутасаддилари ва спортчилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетиде «Янги ўқув йилида факультетлар деканларининг таълим сифатини кўтариш ре-

жалари» мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унда юртимиз олий ўқув юртинларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари, факультетлар деканлари, малака ошириш муассасалари раҳбарлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларининг мутасадди ходимлари иштирок этдилар.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар прокуратурасида мутахассислар иштирокида уюштирилган анжуманда жиноятга жазо тайинлашда либераллашув жараёнининг аҳамияти ва бу ишни адолатли ҳал қилиш масаласи муҳокама этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат солиқ қўми-

тасида ахборот-таҳлил маркази ташаббускорлигида солиқ тўловчилар билан телефон орқали мулоқот ўтказилди. Унда мутахассислар томонидан солиқ тўловчиларининг қўллаб-қувватлашга жавоб қайтарилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номи Тошкент Давлат шарқшунослик институтиде уюштирилган тадбир «Қафол аш-Шоший — буюк шарқшунос, файласуф олим» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ОЛАМДА ҲИМА ТАН?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Америкаликлар 2001 йилнинг 11 сентябрь фожиасини сўнгги 75 йил ичидаги энг муҳим воқеа деб баҳолашди. Бу воқеани сўровномада иштирок этган 1037 нафар америкаликнинг 65 фоизи қайд этган. Сўровнома катнашчиларининг 61 фоизи эса японияликларнинг Перл — Харборга ҳужумини шу даврнинг энг эсда қоларли воқеаси сифатида баҳолади.

● Араб давлатлари лигаси кўп вақтдан бери Ироқнинг янги вақтинчалик ҳукуматини тан олиш ёки олмасликлари ҳақида бош қотираётган эди. Бунга сабаб, Садам Хусайндан кейинги ҳукумат АҚШ коалициянинг кучлари томонидан ўрнатилган эди. Араб давлатлари лигасининг навбатдаги йиғилишида араб давлатлари ташқи ишлар вазирилари Ироқдаги янги ҳукуматни тан олишга ва ўз саммитларига таклиф қилишга қарор қилдилар. Аммо ҳозирча Ироқнинг араб давлатлари лигасидаги тўлақонли жойини қайтариш ҳақида музокаралар кетмоқда.

● Польша пойтахти Варшава марказида кончилар ва полицияларга ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Кончилар ҳукуматнинг 2004 йилда Шена воеводалигидаги 4 та шахтани ёпиш режаларига норозилик билдиришмоқда. Шахталарда ҳозир 6 минг нафарга яқин кончи ишлайди.

● Ливия ҳукумати 1989 йили уриб туширилган Франция йўловчи самолётида ҳалок бўлган 170 нафар кишининг қариндошларига товон пули тўлаш ҳақидаги шартномани имзоламоқчи. Маълумотларга қараганда, Ливия ҳукумати Триполида шартномани имзолаш маросимига журналистларни ҳам таклиф қилган.

● ХАМАС мазкур ташкилот раҳбарияти аъзоси Махмуд Аз-Заҳарийнинг уйига ракета зарбалари берганлига жавобан исроилликлар яшовчи аҳоли пунктларига ҳужумлар бошлашини билдирди. Маълумотларга кўра, чоршанба кун Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Фазо шахридаги бир неча жойларга ҳужум уюштирган. Исроил вертолётлари мамлакатда сўнгги икки террорчиликни зиммасига олган Махмуд Аз-Заҳарий яшаган бинога ракета зарбалари берган.

● Нью-Йоркнинг Кеннеди аэропортининг кичик ходими Чарльз Маккенли ўртоғи ёрдамида узунлиги 1 метрдан ошмироқ яшикка жойлашиб Техас штатидаги ота-онасиникига бормоқчи режалаштирди. У чиптага пул йўқ сабабли ўзини почта орқали жўнатишга мажбур бўлди. Чарльз юк кўринишида бутун Америка бўйлаб саёҳат қилди. Қизиғи шундаки, «юк»ни ортиб туширилган назоратчилар ҳеч нимани пайқашмади. «Юк» манзилга келтирилгандан сўнг унинг катталигидан хавотирланган Чарльзнинг ота-онаси полицияга чақирган. Шу тариқа сир фож этилган ва аҳоли тинчини бузгани учун қонунбузар қамоққа олинди.



• МУСОҲАБА

КЎРГАЗМАЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Энг азиз, энг улуг байрам — Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини шахримиздаги кўплаб корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юрталари ва маҳаллалар муносиб кутиб олишди. Жумладан Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўرғазмалар дирекцияси ҳам Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги ва Обод маҳалла йилига бағишлаб кўплаб тадбирлар ташкил этмоқда. Бизнинг Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказининг бош директори, Ўзбекистон халқ рассоми Собиржон Раҳметов билан суҳбатимиз ана шу хусусда кечди.

— Собиржон Гафурович, Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйига бағишлаб кенг кўламадаги ишларни амалга ошираётган экансизлар...

— Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда фаолият юритяпмиз. Жумладан, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб маҳаллаларнинг энг эзгу аънавалари, урф-одатлари ва ўзига хос оламини акс эттирувчи энг яхши тасвирий санъат асарларининг республика тан-

ловини ташкил этдик.

Аслида бу хайрли аънава тусига кирган. Ҳар йили Мустақиллигимиз тўйи арафасида «Энг улуг, энг азиз» шиори остида кўрик-танловлар ўтказамиз. Бу йил мавзуимизни кўпроқ Обод маҳалла йилига бағишладик. Бу борада бир гуруҳ рассомлар иш олиб боришяпти. Тошкент шаҳар ҳокимлиги барча каталогларни чоп этиш ва бошқа ишларда кўмаклашиб келмоқда.

Энди бевосита бу йилги танлов хусусида тўхталадиган бўлсак, у катта кўрғазма шаклида ўтади. Унга 500 дан ортиқ иш қўйилган. Улар орасида Медат Кагаров, Анвар Муҳаммаджонов, Аслиддин Исаев, Улуғбек Болтабоев каби Тошкент, Самарқанд ва Фарғонанинг етакчи рассомлари, шунингдек Нукус, Хива, сурхондарёлик иқтидорли мўйқалам усталари ўз ижод намуналарини топширишган. Шу йилнинг охирида яқунланадиган танловнинг голиб ва совриндорларига Ўзбекистон Бадий академияси томонидан қимматбахо совғалар топширилади.

— Обод маҳалла йилига бағишлаб қандай кўрғазмалар уюштиришасизлар?

— Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда йил



бошидан буён турли кўрғазмалар ва тадбирларни ташкил этиб келяпмиз. Бу борада пойтахтдаги кўпгина туманларда «Ўзбекистон — менинг Ватаним» мавзудаги бадий фотография асарларидан иборат кўчма кўрғазмалар ташкил этилди. Шунингдек, Обод маҳалла йилига бағишлаб Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, таниқли рассом Муҳаммад Нуриддиновнинг шахсий кўрғазмаси уюштирилди. Бундан ташқари шу йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳалланинг ҳаётини, урф-одатлар ва аънаваларни, меҳр-оқибатни, ёш авлодни ўз маҳалласи ва Ватанга муҳаббат ва ифтихор руҳида тарбиялашни акс эттирувчи бадий кўрғазма ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, ташкил этилган кўрғазма, танлов ва бошқа тадбирларимизда она Ватан мадҳи, маҳаллаларимиз равақи, халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини тўлақонли намойиш этишга ҳаракат қиляпмиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди СУРАТЛАРДА: Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган маҳалла ҳаётини акс эттирувчи танлов-кўрғазмага қўйилган айрим асарлар. Сергей Любич олган суратлар.

• САНЪАТ

“БУ АЖИБ МИСР”

Ўзбекистон Бадий академиясида Миср Араб Республикаси мусаввирларининг кўрғазмаси очилди.

— Санъат ва маданият халқларни бир-бири билан боғлайди, — деди мисрлик мусаввир Муҳаммад ал Тарави “Туркистон-пресс” мухбирига. — Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётир. Айниқса, санъат ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур кўрғазмада шахримиздаги етакчи тўққизта мусаввирнинг графика, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Ўзим кўрғазмада экологияга бағишланган акварелда ишланган 4 та экспонатим билан қатнашмоқдаман.

М.Таравининг таъкидлашича, мусаввирлар Савсан Амир, Мустафо Абдулфаттоҳ, Форис Аҳмад Форис, Рубоб Нимр, Иброҳим Абдуса-

лом, Адел ал Масриларнинг ишлари санъат ихласомандларида қизиқиш уйғотади. Мусаввирларнинг асарларидаги асосий ғоя қадимги ва ҳозирги Мисрнинг бир-бири билан уйғунлашишидир. Мусаввирларнинг ҳаёлот дунёси билан воқеликнинг боғланиши асарларга ўзгача мазмун касб этади.

Айтиш жоизки, Муҳаммад ал Таравининг асарлари Саудия Арабистонида, Италия, Франция, Греция каби давлатларда намойиш этилган. У ҳар йили 20 дан ортиқ ёшларга мусаввирлик санъати сирларини ўргатмоқда. Унинг тўққиз ёшли қизи Нурхон ва ўн тўрт ёшли ўғли Басиллар ҳам отасидан мусаввирлик сирларини ўрганишмоқда.

“Туркистон-пресс”

• ТАНЛОВЛАР

Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалласида «Камолот» ЁИХ қошида ташкил этилган «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази томонидан туман ҳудудидаги 50 та маҳалла педагог-тарбиячилари ва маҳалла ёшлари ўртасида «Мустақиллик маҳалла ёшлари ҳаётида» мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди.

МУСТАҚИЛЛИК — МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ ҲАЁТИДА

Мазкур тадбир маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган санъатга қобилияти бор болаларни аниқлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билим-савиясини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг диний экстремизм таъсирига тушиб қолишига йўл қўймашлик, уларни миллий аънавалар, урф-одатлар, ватанпарварлик руҳида соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш мақсадида ташкил этилди.

Олтита ҳудудга бўлиниб ўтказилган ушбу танловнинг биринчи ҳудудида «Ёшлар ва вояга етмаганларни ватанпарварлик руҳида соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш» мавзуда саҳна кўриниши намойиш этилди. «Баҳор» маҳалласи вакиллари «Ватан» шеърини ва «Сивец» маҳалласи ёшлари қўшиқ ва рақслар ижро этишди.

Иккинчи ҳудуд «Меҳнат билан гўзалдир инсон» мавзунини

ёритиб берди, учинчи ҳудуд «Диний экстремизм», тўртинчи ҳудуд «Миллий аънавалар ва урф-одатлар», бешинчи ҳудуд «Экология ва саломатлик», олтинчи ҳудуд «Тарбияси оғир вояга етмаганлар ҳаёти» мавзуларидаги саҳна кўринишлари орқали болалар ҳаётидаги муаммоларни кўрсатиб бердилар.

Маҳалла болалари ижросидаги ашула ва рақслар кўрик-танловнинг файзига файз қўшди.

Ҳар бир ҳудуд ўз йўналиши бўйича мавзуларни кенг ёритиб бергани учун «Камолот» ЁИХ Ҳамза тумани бўлими Кенгаш томонидан қимматбахо совғалар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ҳам иштирокчиларга Фахрий ёрликлар топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Яқинда тахририятта Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Абдунаби Алимовдан хат келди. «Хурматли тахририят ходимлари, — дея бошланади мактуб, — ҳамшаҳарларимиз, маҳалладошларимиз томонидан сувга нисбатан берафқ муносабатда бўлинадиганлиги мени хат ёзишга мажбур қилди. Алам қиладиган жиҳати шундаки, лоқайдлик энг ёмон илган эканини ҳамон кўпчилигимиз тушуниб етмаётимиз. Бундан икки ҳафта муқаддам маҳалламиздаги Қаюм Қосимов кўчасида водопровод қувури ёрилганлиги сабабли ҳамма ёққа сув тошиб кетди. Бу ҳолатни тўғирлаш, қувурни қайта таъмирлаш осон эмас. Шу боис маҳалла фаоллари оксокол бошчилигида тўрт-беш кун мутахассислари чақириб билан овора бўлишди. Хайриятки, 10 кунларда усталар келиб қувурни таъмирлашди, сувни тўқатишди. Шунда уларнинг биридан: «Нима учун чақирган вақтимизда келмайсизлар?» деб сўрасам: «Нимасини айтасиз, ака, бу қувурларни аллақачон янгилаш керак. Қувур эса доим ҳам бўлавермайди. Тасавур қилинг: маҳалладаги жами кўчалардаги хонадонларга неча юз метрлаб қувур керак бўлади. Ҳозир эса амаллаб кетаяпмиз».

• МАКТУБ ЙУЛГА ЧОРЛАДИ

СУВНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

«Сув—ҳаёт манбаи» деймиз. Сувни исроф қилишнинг салбий оқибатлари ҳақида мақолалар чоп этилади. Аммо айнан исрофгарчиликка ўзимизнинг лоқайдлигимиз, оби равонга нисбатан муносабатимизнинг ўзгармаганлиги сабаб бўлаётганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ийқ, камини бу ерда устани айбламоқчи эмасман. Фақат икки ҳафта тоза ичимлик сув бехуда исроф бўлганига ачинаман, холос. Кечирасиз-у ушбу соҳа мутахассислари қувурлар масаласида дўппини бошдан ечиб қўйиб, бир бош қотириб кўришса, хонадонлар, кўчалардаги таъмирга муҳтож, муддати ўтган қувурларни янгисига алмаштиришса, ёмон бўлмасди. Чунки ҳозирда шахримизнинг яна қанча кўчаларида қувур носозлиги туфайли сувлар тошиб ётган экан».

Дарҳақиқат, айни ёзнинг иссиқ кунларида сувга бўлган талаб ва эҳтиёж кўпаяди. Аввало ҳар бир хонадонда экинлар, дов-дараклар сўғорилади. Табиийки, водопровод суви билан. Аслида мана шунинг ўзи ҳам исрофгарчилик эмасми?

Абдунаби ака билан учрашмоқни, у киши билан дилдан суҳбат қурмоқни ният қилдик. Очиги, биз суҳбатдошимизни анча жиддий одам дея тасаввур қилган эдик. Аксинча, бизни табиатан ҳўшчақчақ, дилкаш, ёши 65 ларни қоралаган киши қутиб олди. Тахририятдан эканлигимизни эшитиб, чеҳраси ёришиб кетди. — Ёшлигимда ота-бобларим: «Сувнинг бир томчиси ҳам увол, унга туфлама», дея ўқитишарди. У пайтларда водопровод қаёқда эди, дейсиз. Ариқнинг сувини тоза саралдик. Ҳеч ким чикинди ташламасди. Ҳозирчи, кимнинг хонадонига кирма, водопроводга шлангни улаб, то-морқасини кечяю кундуз сўғоради, — чуқур ҳўрсиниб сўзини давом эттирди Абдунаби ота. — Тунов кунни қўшимникига чиқдим. Асфальт йўлка устида шланг. Шлангдан сув шарқираб бекор оқиб ётибди. «Нега сувни бехудага оқизиб кўйсиз, қўшни?», — десам, нима дейди денг? «Ёз-

нинг иссиғига чидай олмапман. Асфальт устидан оқиб турса ҳам бир амаллаб жон сақлаш мумкин-ку!» Тутақиб кетдим. Чунки кўп худудларда одамлар бир қултум сувга зор. У киши эса...

Хуллас, Абдунаби ака билан маҳаллани айланиб узоқ суҳбатлашдик. Юқорида айтиб ўтилган Қаюм Қосимов кўчасидаги водопровод қувури ёрилган жойини бориб қўрдик.

— Барака топишсин азаматлар. Анча сифатли қилиб таъмирлашди, — дейди бу ҳақда суҳбатдошимиз. — Оксоқлимиз эса кўчамиздаги фаол ёшларга бош-қош бўлиб, қувур атрофидаги ёрилган жойларга қайта бетон ётқизди. Буларку яхши. Аммо, муҳбир ука, сувни кўпроқ қимлар исроф қилишяпти? Шаҳримиздаги кўпгина овқатланиш шохобчаларини айлансангиз, хунук манзараларга дуч келамиз. Яқиндагина 72-автобусда «Олой» бозоридан уйга қайтаётганим. «Универсам» бекатидан кейинги учинчи бекатда хусусий ошхона очилган. Шу ерга кириб кетиш ниятида автобусдан тушдим-у, ошхона ичкарисига кирдим. Хайратдан оғзим очилиб қолди. Чунки идиш-товолқар ювиладиган жойдаги водопровод жўмраги охиригача очиб қўйилган, сув шариллаб оқиб ётарди. Ажабланиш-лиси шундаки, идиш-товолқар ювилмаётган бўлса-да, бу ҳолатга ҳамма ошпазлар бепарво эканлигини қандай тушу-

ниш мумкин? Сизлардан илтимос, сувнинг қадри ҳақида кўп ва хўп ёзинлар. Зоро, шунда лоқайдлигимиз туфайли бу бехуда неъматнинг бехуда исроф бўлаётганини одамлар тушуниб етса».

Ҳақиқатан ҳам бу ҳақда яна жиддий ўйлаб кўрадиган вақт етиб келди. Чунки сувсиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмаслиги барчага кундек равшан. Ушбу мақолада биз, сиз азизларга, сувнинг аҳамияти ҳақидаги баянлардан тўғригина қайта-қайта таъкидлашдан йироқимиз. Фақат пойтахтнинг ўзида ичимлик сувга муҳтож бўлаётган маҳаллалар борлигини айтмоқчимиз, холос.

Яқинда Яққасарой туманидаги «Ракат» маҳалласига бордик. Шунда қизиқ бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ушбу маҳалла аҳли сув танқислигидан азият чекар экан. Босим камлигидан водопровод қувурларига маълум вақтлардагина (асосан тунда) сув келар экан. Маҳалла аҳли нафақат челек ва тоғораларда, балки кастриюллари сувга тўлдириб олиш учун водопровод олдида соатлаб навбатда туришаркан. Албатта, биз бу ерда шаҳар бўйича шу соҳа мутасаддиларини айбламоқчи эмасмиз. Ишончлики комил, мутасаддилар маҳалладаги бу муаммони ечиш йўлини излашаёпти. Фақат айтмоқчимизки, азизлар, сувни ниҳоятда тежаш лозим. Балки шунда «Ракат» каби ўнлаб маҳаллаларда оби ҳаётнинг танқислиги аста-секин йўқолиб борса. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Анвар ЙўЛЧИЕВ.

• МУЛОҲАЗА

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ПУТУР ЕТМАСА...

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очиб бораётир. Маҳаббатли, серхашам иморатлар хоризиклардан тортиб, то ўзимизнинг чекка қишлоқларда яшайдиган ҳамюртларимизгача лол қолдиради.

Азим Тошкентга келган меҳмонларимиз янгиликларни кўриб қувонишади. Юзларида ифтихор, ғурур, шу азиз Ватанинг фарзанди эканлигидан шодмонлик акс этади уларнинг. Аммо... Яқинда чекка бир қишлоқда яшайдиган танишимиз саёҳат истаб пойтахтга келди. Иззатини жойига қўйиб, шаҳар айлангирдик. Хуллас, у чин дилдан қувонди.

Сафари қариғача, уйига қузатиб қўйишга тўғри келди... У ёнимда... Кўрган-кечирганини айтиб тўймайди... Мет-

— Асло, — дейди бечора, қулиб.

Дарҳақиқат, бугунги жаҳоний ўзгаришларни, Истиқлол йилларида эришган утуқларимизни кўриш, улардан қувониб истагида шахримизга ташриф буюррадиган ҳар бир ватандошимизни ўзига хос маданият, маънавий етуқлигимизни намойён қилиб, қутуб олиб, қузатиб қўйсак нур устига аъло нур бўларди. Зотан, моддий бунёдкорлик баробарида инсоний фазилатларни сақлаб қолиш ҳам зарур-да!

— Саёҳат бир пул бўлмади-ми? — десак.

Хусанжон ФОЗИЛОВ, Ҳамза тумани.

• ШАХСИЙ ФИКР

Кейинги йилларда республикамиз пойтахти Тошкент шаҳридаги талайгина кўча ва хиёбонлар номлари ўзгартирилиб, янгилари билан атаба бошланди. Давр талабига мос равишда амалга оширилаётган бу сайй-ҳаракатлардан аҳоли мамнун.

Зеро, улуг алломаларимиз, фозил олимларимиз, донгдор замондошларимиз номига янгидан қўйилган кўчалар, сўлим хиёбонлар исми-жисмига мос бўлди. Миллий қадриятларимиз тикланиши шарофати билан унут бўлиб кетган жой номлари қайта тикланди.

Буни академик олимимиз Содиқ Азимов хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Юқори малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳисобга олиниб, олим

ишлаган институт биносига ва у яшаган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Тошкент шаҳрининг катта кўчаларидан бирига «Диқ Азимов номи берилди. Шунга ҳам айтиб ўтиш жоизки, машҳур кишилар номига қўйилган кўча ва хиёбонлар, жойларда улар ҳақида маълумот берувчи ёзувли лавҳаларга ҳам кўзимиз тушади.

Булар албатта, қувонарлидир. Афсуски, айрим кўчаларда унинг номи ёзилгану, аммо у шахс ким, нима сабабдан унга шундай ном берилганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Маълумки, жой номлари муайян тилда маҳаллий халқ томони-

ИСМИ-ЖИСМИГА МОНАНД БЎЛСА...

дан тарихий тараққиёт давомида яратилади ва ўша даврнинг ижтимоий ҳаёти ҳақида ахборот беради. Бинобарин, халқ мулки ҳисобланади. Халқ мулки эса муқаддас ва даҳслас бўлмоғи лозим.

Хўш бизнинг мана шундай номларга муносабатимиз қандай? Уларнинг исми жисмига монандми? Ана шу мулоҳазалар билан масалага ёндашадиган бўлсак, ҳали бу борада қатор муаммолар борлиги кўзга ташланади.

Ахир, жойларга ном бериш билан иш битмайди! Бу жойда яшайётган одамлар, айниқса, пойтахтда туғилиб вояга етаётганлар ўзларининг она шахрини, ундаги географик атамалар мазмунини пухта билишлари юксак маданиятлилик белгиси эмасми?

Акбар АЛИЕВ, педагогика фанлари номзоди.

Хатлар — Ҳаёт ойнаси

Инсон табиати қизиқ. Ҳар кимнинг феъл-атвори турлича. Биров хушмуомала, оғир-босиқ бўлса, бошқа биров қизиққон, жиззак, жаҳли тез, «бурнининг учиде туради». Яна кимдир камгап, кимдир сергап. Шу боисми турли хил воқеа-ҳодисалар ҳар кимда ҳар хил кечади. Буни тахририятимизга келаятган мактублар ҳам яққол исботлайди. Биз тахририят ходимларини хурсанд қиладиган жиҳат шуки, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси чиққа бошлаганидан буён сиз азизлардан кўплаб мактублар ке-

ляптапти. Унда жамиятимизда юз бераётган воқеаларга муносабат билан бирга шахсий фаолиятда юз берган, бераётган воқеалар, ички кечинмалар акс этган. Шу боисдан ҳам бугунги саҳифа материаллари ҳар қалғидек сиз азизлардан келган хатлар асосида тайёрланди. Оқшомхонларга ўз миннатдорчилигимизни ихсоз қилган ҳолда бизга кўпроқ мактуб йўлланг, кўнгироқ қилинг деб қоламиз. Эслатиб ўтамиз, 133-08-74 рақамли телефонга сим қоқинг.

• ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«БИСЁР БЎЛСА АГАР БОЛ ҲАМ БЕҚАДР...»

Шарқ халқларида, жумладан бизда, эр ва хотин ўртасидаги рашк масаласи юксак қадрланади. Агарда бирон уйда шу мавзуга даҳлдор жанжал кўтарилса: «Эри хотинини севади-да, шунинг учун рашк қилади», дейдиганлар ҳам топилади. Аёлларимизнинг ишдан сал кечроқ қайтиши, уйга кўпроқ маблаг кўтариб келишини баъзи ҳолларда «ҳазми» қила олмаймиз. Узаро суҳбатларда аёл эрига, бирон ҳамқасби, курсдоши, синфдоши (агар у эркак киши бўлса) ҳақида «гуллаб қўйса» боши балолардан чиқмай қолади. Яъни, эркак кишининг рашки келади.

Маҳалламизда икки ёш севишиб турмуш қуришди. Иккови ҳам обрўли-эътиборли одамларнинг фарзандлари. Аввалдан бордикелдиси бор. Аммо, тўйдан икки ой ўтгандан сўнг янги оилада жанжал-тўполон бўлиши одатий тусга кириб қолди. Икки тарафдаги ота-оналар фарзандларидан, бир-бирларидан қаттиқ ранжишган.

Воқеа бундай содир бўлган. Кўёв ишлайдиган нуфузли идорага кунларнинг бирида келин кундалик зарурат юзасидан кўнгироқ қўйсак нур устига аъло нур бўларди. Зотан, моддий бунёдкорлик баробарида инсоний фазилатларни сақлаб қолиш ҳам зарур-да!

Бор гап шу! Шугина

• ... ТАНКИД ҚИЛАДИ

ТОЗАЛИК — ПОКЛИК ДЕМАКДИР

Бир кунда камиде бир-икки, балки ундан ҳам кўп марта кўчага чиқшимизга тўғри келади. Албатта, кўчада кўзингизга ташланган табиий ёки нотабиий воқеа-ҳодисалар руҳиятингизга, аниқроғи, кайфиятингизга таъсир қилади. Орасталик, тозалик ҳукм сурган жойларга нигоҳ ташлаб дилнинг қувват топса, ифлос, ирқит, бадбўй ҳид таратувчи ташланмақ нарсалар руҳингизни тўшириб, вужудингизни лоҳас қилади. Ўзингизни ноқулай ҳис қила бошлайсиз.

Муддао шундаки, шахримизнинг кўпгина гавжум гўшалари, одамлар тигиз яшайдиган «дом»лар, шу жумладан, маҳаллаларда махсус ахлат ташлаш жойларини кўпайтириш керак деган фикрдамиз. Бу биринчидан, санитария-гигиена қоидаларига мос келса, иккинчидан, ҳар жойга ахлат уюмларидан «тоғ» ясамаслик учун ҳам керак.

Гапни пардалаб нима ҳам қилардик: кейинги пайтларда «дом»ларнинг теваарак-атрофларида кичик-кичик чикинди уюмлари ёмғирдан сўнг бодраб чиқадиган «қўзиқорин»дек кўпайиб бораётганини сир эмас. Бирдан дилинг хира тортади. Ёнверингдаги инсонларнинг кўра-била туриб, ло-



Яхши фикр баҳс-мунозарада тугилади.

Бош шифокор мен узатган тиббий ҳужжатларга бир кўз югуртиргач, бемор ҳақида баъзи маълумотларни сўраб олиб, сўнг имзо чекиш учун қўлига авторучка олди. Мен енгил тин олиб, хона деворларидаги расмларга нигоҳимни қадаган чоғимда бош шифокор ёзмаган авторучкасини стол устига ташлаб, иккинчисини қўлига олди. Аммо буниси ҳам ҳадеганда ёзмагач, унинг асабийлашаётганини кўриб дарҳол кўрак чўнтагимни кавладим. Ана, холос! Шу толда, авторучка камини катта кўчада қолган «Тез ёрдам» машинаси ҳайдовчисининг кроссворд ечиш учун олиб қолгани ёдимга тушди. «Мен ҳозир...» деганча шошиб, хонадан чиқдим ва қабулхонада навбат қутиб ўтирган ўрта ёшлардаги кишига дуч келдим.

«Тез ёрдам» машинаси ҳайдовчисининг кроссворд ечиш учун олиб қолгани ёдимга тушди. «Мен ҳозир...» деганча шошиб, хонадан чиқдим ва қабулхонада навбат қутиб ўтирган ўрта ёшлардаги кишига дуч келдим.

— Амаки, ружангиз борми? Бир дақиқга бериб туринг...

Нотаниш амаки дала шамоллари униқиб-қорайтирган юзини менга буриб, бир зум довлдираб тургандек бўлди, сўнг кўрак чўнтагидан қизил авторучкасини олиб бўшагандек мен томон узатди. — Раҳмат, — дедим-у, орқамга қайтиб, авторучкани бош шифокорга узатдим. Йўланмага имзо чекилгач, бош шифокор қаддини кўтариб уларни менга узатди. Уни қўлимга оларканман, беихтиёр раҳбар қўлида қолган авторучкага зорлангандек қарадим. Аммо шу толда мендаги қандайдир андиша устунлик қилиб, «арзимаман» нарсани сўраб олишга имкон бермади ва бўшашиб хонадан чиқдим.

Ярим ижжолат, ярим илтимос оҳангида қабулхонада ўтирган нотаниш амакига юзландим. — Амаки, сизнинг олдингизда узрли бўлиб қолдим. Авторучкангизни бош шифокордан қайтиб сўрай олмадим... Йўқ демасангиз, мен ҳозир яқин орадаги дўкандан сизга янги авторучка олиб келиб бераман, кетиб қолманг. Дарвоқе, бу ерга қандай юмуш билан келган эдингиз? Харқалай, ёрдам беришим мумкин...

— Йўқ, укам, хожати йўқ. Бу

фокор олдидаги қоғозлардан бошини кўтариб, менга «нима гап яна?» дегандек ажабланиб қаради.

— Минг бор узр сўрайман... Бояги авторучка... — дедим-у, дув этиб юзимга олов пуркалгандек бўлди.

Бош шифокор ялт этиб, қўлида ушлаб турган амакининг қизил авторучкасига қаради ва кулиб юбориб, ўрнидан турди. — Кечиринг, укам, хаёлга берилибман...

Шунда мен авторучкани қўлимга олиб, амаки билан бўлиб ўтган воқеа тафсилотини шошиб-пишиб сўзлаб бердим ва иккимизни хижолатга солган ҳолатдан чиқаргандек бўлдим. Гапларимни кулимсираб эшитган бош шифокор «яхшилик доимо яхшиликка бошлаши керак, чақиринг ўша одамни, ёрдамни албатта берамиз» дея деди. Шундай қилиб, «нотаниш» амакининг (хайрлашаётганда ўзини Эргаш ака деб таништирди) ҳам хожати битди. Катта кўчага чиққунча гўёки узоқ муддат кўришмаган ота-болодек гурунлашиб кетдик.

Шу воқеадан кўп ўтмай касалхонага мени йўқлаб Эргаш амаки соғайган аёллари билан келдилар ва қувончдан тўлиб-тошиб қадрдан тоғалари Зиёдхон бобо оиласини топиб бериб қариндошлик ришталарини тиклаганларини ҳикоя қилдилар. Мен бўлсам амакининг қўйлақ чўнтагига қадалган қизил авторучкани «бериб туринг» дегандек ҳам узатганим бундаги маънони ўқиб, ҳар иккимиз ҳам кулиб юбордик.

— Ана, холос! Амаки, чамамда сизнинг тоғангиз бизнинг қишлоқдаги Зиёд бобо чикиб қолди-ку. Ҳақиқатан ҳам 90 ёшни қоралаб қолган бош шифокор олдидаги қоғозлардан бошини кўтариб, менга «нима гап яна?» дегандек ажабланиб қаради.

Шокир КОСИМОВ, Бектемир тумани.

• ВОҚЕА

ЯХШИЛИК

Тиббиёт институтини тугатиб, Дўстлик тумани касалхонасида шифокорлик фаолиятини бошлаганимга бир неча йил бўлган кезлар эди. Хизмат туфайли бир оғир беморни Тошкентдаги катта касалхоналардан бирига жойлаштириш мақсадида келиб, ниҳоят бош шифокорнинг қабулига кирдим.

ҳозирда уйли-ўйли, Ўткир ва Содик деган ўғиллари билан турадилар...

Амаки дик этиб ўрнидан туриб кетди ва мени қучоқлаб, қувончдан даст қўтариб айлангирди кўйди.

— Тавба, ё тавба, бунини қаранг-а... ростми шу гапингиз?

Бизнинг шовқин-суронимизга жавобан ичкардан бош шифокорнинг томқоқ кириб қўйгани эшитилди ва гўё бу билан мени ичкарига қорлагандек бўлди. Амакини қабулхонада қолдириб, ҳаяжонларим оғушида шаҳд билан эшикни очиб ичкари кирдим. Бош шифокор олдидаги қоғозлардан бошини кўтариб, менга «нима гап яна?» дегандек ажабланиб қаради.

— Минг бор узр сўрайман... Бояги авторучка... — дедим-у, дув этиб юзимга олов пуркалгандек бўлди.

Бош шифокор ялт этиб, қўлида ушлаб турган амакининг қизил авторучкасига қаради ва кулиб юбориб, ўрнидан турди. — Кечиринг, укам, хаёлга берилибман...

Шунда мен авторучкани қўлимга олиб, амаки билан бўлиб ўтган воқеа тафсилотини шошиб-пишиб сўзлаб бердим ва иккимизни хижолатга солган ҳолатдан чиқаргандек бўлдим. Гапларимни кулимсираб эшитган бош шифокор «яхшилик доимо яхшиликка бошлаши керак, чақиринг ўша одамни, ёрдамни албатта берамиз» дея деди. Шундай қилиб, «нотаниш» амакининг (хайрлашаётганда ўзини Эргаш ака деб таништирди) ҳам хожати битди. Катта кўчага чиққунча гўёки узоқ муддат кўришмаган ота-болодек гурунлашиб кетдик.

Шу воқеадан кўп ўтмай касалхонага мени йўқлаб Эргаш амаки соғайган аёллари билан келдилар ва қувончдан тўлиб-тошиб қадрдан тоғалари Зиёдхон бобо оиласини топиб бериб қариндошлик ришталарини тиклаганларини ҳикоя қилдилар. Мен бўлсам амакининг қўйлақ чўнтагига қадалган қизил авторучкани «бериб туринг» дегандек ҳам узатганим бундаги маънони ўқиб, ҳар иккимиз ҳам кулиб юбордик.

— Ана, холос! Амаки, чамамда сизнинг тоғангиз бизнинг қишлоқдаги Зиёд бобо чикиб қолди-ку. Ҳақиқатан ҳам 90 ёшни қоралаб қолган бош шифокор олдидаги қоғозлардан бошини кўтариб, менга «нима гап яна?» дегандек ажабланиб қаради.

Шокир КОСИМОВ, Бектемир тумани.

Лайиҳалар

ЮГУРАМАН

Афанди ўрмонлардан безор бўлиб, хордиқ чиқариш учун хиёбондаги курсилардан бирига келиб ўтирганди, ёнига кўлида асо тутган яна бир сергап қария келиб ўтирди. Шунда Афанди сайр қилиш кераклигини айтиб кўзгалди. Бояги сергап одам ҳам унга эргашди ва суҳбатни давом эттириш мақсадида сўради:

— Сиз секин юрасизми ё тез-тезми?

— Мен секин ҳам, тез-тез ҳам юрмайман, югураман, — деди Афанди.

ЧАНГИНИ ҚОҚДИМ

Афандининг уйи кўчанинг ёнгинасида эди. Бир куни ҳамма ёқни чанг-тўзон босиб, тарақатуруқ товуш қоплади. Афанди у ёқ-бу ёққа қараб ҳовлининг ўртасида икки кўлини белига тираб турган ўғилчасини кўрди ва ундан сўради:

— Ҳа нима бўлди?

Болакай гердайиб жавоб берди:

— Кўлимнинг чангини қоқдим!

ТУЛКИСИ ҲАМ КЎП

Афандининг уйига бир таниши меҳмон бўлиб келди. Меҳмон айёрликда тулқига дарс бергудек эди. Дастурхон атрофида у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришар экан гап содда инсонлар ҳақида кетди. Шунда меҳмон:

— Одамлар ҳам бир кўй-да, — деди.

— Лекин уларнинг ичида тулқиси ҳам кўп, — деди Афанди.

КЕЙИНРОҚ
БИЛАМИЗ

Бир киши вафот этди. Дафн маросимига ҳаддан зиёд одам йиғилди. Кечқурун марҳумнинг синглиси:

— Одамлар ҳам роса келди-да, — деган эди, гапга марҳумнинг мақтанчоқ укаси аралашди.

— Одамлар мени ҳурмат қилишади, акамнинг ҳам ҳурмати бор эди. Шунинг учун кўп келди-да.

Суҳбатни тинглаб ўтирган Афанди:

— Ҳалойиқ акангни ҳурмат қилишини билардиқ, лекин сени ҳурмат қилишадими-йўқми, буни кейинроқ биламизда, — деди.

Ё У КЕТАР, Ё СЕН

Афандининг хотини ўта жанжалкаш чикди. Бир оқшом эрхотин шўрва ичиб ўтиришар эди. Нима бўлди-ю хотинининг томоғидан суяк ўтиб кетди. Шунда хотини хавотирланиб:

— Дадаси, томоғимдан суяк ўтиб кетди-я, — деди.

Афанди хотиржам:

— Ўтиб кетган бўлса бўлдида, — деганди, хотини яна кўрсаткич бармоғи билан ҳиқилдоғини кўрсатиб:

— Мана шу ерда қолганга ўхшайди, кетармикан-а, — деди. Шунда Афанди бошини сарак-сарак этди:

— Ё у кетар, ё сен, — деди пичирлаб.



Ширин хаёллар оғушида

Камолитдин Бехзодга ҳайкал

Хитой Халқ Республикасининг Цзилинь маъмурий ҳудудидаги Чанчунь шаҳрида «Дўстлик, тинчлик ва баҳор» халқаро фестивали бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида ХХРда ўзбек маданияти вакили-Ҳирот миниатюра мактабининг буюк рассоми Камолитдин Бехзод ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Яқинда «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» унвонига сазовор бўлган ҳайкалтарош Жалолитдин Миртожиев ишлаган ушбу ҳайкал курраи заминимизда донги кетган ҳайкалтарошларнинг 283 иши намойиш этилаётган Дунё ҳайкалларининг Чанчунь хиёбони бош киришида ўрнатилди.

Ҳайкалнинг очилиши фести-

валь иштирокчи ва меҳмонлари ҳамда Чанчунь шаҳри аҳолисига кўтаринки руҳ бағишлади. Бу эса, хитойликларнинг этироф этишича, ўзининг бетакрорлиги, бойлиги билан ажралиб турувчи ва айна пайтда ўзбек халқи ва заминининг меҳмоннавозлигини акс эттирувчи Ўзбекистон маданияти ва санъатида бўлган Хитой халқининг юксак эътиборидан далолат беради.

Ҳайкалнинг очилиш маросимида Хитойнинг қатор идоралари, Чанчунь шаҳар маъмурияти ва жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

«Жаҳон»АА

НАЗМ БЎСТОНИДА

МУҲАББАТ ВА БАХТ
МАДҲИ

Ёзувчи Неъмат Ёқубовнинг ўнлаб қисса, ҳикоялар, очерклар тўпламлари, «Хубоб», «Она дийдори», «Жон» романлари кўп нусхада чоп этилган.

Кейинги пайтда ижодкор йирик насрий асарлар ёзиш билан бир қаторда назмда ҳам баракали ижод қилмоқда. У «Муҳаббат — етти бахт» деб номланган йигирма минг мисрадан иборат газаллар тўпламини яратди.

Куйида ижодкорнинг янги асарларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДИЛКАШ ДИЛБАРИМ

Сенсан кўнгил кўйганим, севарим,
Сенга тушган меҳрим, назарим.

Юлдузлардан кўзларингни сўрайман,
Тун кечалар сенсан ёрқин қамарим.

Ардоқ, фироқ, сўроғингга зорман,
Дили поким, тили қанд-шакарим.

Ноз-карашмалар хуснингга чирой,
Ажаб шўхи ишва, жилвагарим.

Ишқда ёнаман, мисли девонаман,
Бепарвосан, эй, ҳолимдан беҳабарим.

Сийратинг менга дармон, ҳижрон — армон,
Қалби гавҳар, кўли гул, чеварим.

Сен билан бехатар йўлим, сафарим,
Кувватим, қудратим, белда камарим.

Сенсан давлатим, савлатим, йўқ-борим,
Дўстим, дугонам, дилкаш дилбарим.

МЕНИ ЎЙЛАТГАН

Менга сарв қомат, хипча бел, шўхи замондан
сўзланг,
Назокати ғоят нозик, ишқи пинҳондан сўзланг.

Дилимни ўйнатган, кеча-кундуз мени ўйлатган,
Қоши камон, кўзи ҳумор, офатижондан сўзланг.

Парирухсорлардан зебо, ризоси менга —
муддао,
Лаби гилос, юзи анор, гунча даҳандан сўзланг.

Дийдорига тўйсанг, ёнида шодон, магурр
юрсанг,
Тили ширин, лабзи ҳалол, суҳбатижондан
сўзланг.

Муҳаббатни ардоқлаган, ишқини дилда сақлаган,
Атрофингда парвона, гўзал жондондан сўзланг.

Саховатли, ҳимматли, мунису меҳрибоним,
Садоқатли, вафодор, жонимга жондан сўзланг.

Васлининг умидида бутун оламини кездим,
Қалбим тўрида турган, азият меҳмондан сўзланг.

Ошиқларнинг қадрига етган, чин инсондан
сўзланг,
Мен каби ишқ лаззатин тотган султондан сўзланг...

ВАСЛИНИНГ УМИДИДА

Дур-гавҳардан хуснининг баҳоси ортиқ,
Кўёшдан юзларининг зиёси ортиқ.

Ҳеч қаерда кўрмадим бундай шўх зебони,
Санамлардан ақли-хуши, ибоси ортиқ.

Садоқатли, мунис-меҳрибон бўлса ёринг,
Ширину Лайлолардан вафоси ортиқ.

Васли умидида ҳаёлга толдим,
Дилбар ишқининг менга гавғоси ортиқ.

Суҳбатлари ширин, севгиси яширин,
Булбуллардан тилининг гўёси ортиқ.

Кўзига тўйиб бўлмас, ёлғиз кўйиб бўлмас,
Нозлари, фироғи, таманноси ортиқ.

Изига зорлар, дили ҳуморларни кўрдим,
Оламда дўсту қадрдон, ошноси ортиқ.

Қанча паричехралар ёнидан ўтдим,
Жамоли, хусни мулки—дунёси ортиқ.

Менга меҳри, ҳиммат-муруввати ортиқ,
Сози, ишқий кўшиғи, навоси ортиқ.

БЎЛСАМ

Жўшқин оқар дарёга бир ирмоқ бўлсам,
Икки дилни боғлаган кўш қирғоқ бўлсам.

Юрагимни машъал қилинг, ёндиригиз,
Ошиқлар кулбасига шамчиноқ бўлсам.

Садоқатга содиқлик амалу шiorим,
Бевафоларга аламли фироқ бўлсам.

Эл-юрт деб яшамоқ менга азалий мерос,
Ёвларни янчиб, Ватанга яроқ бўлсам.

Халқим учун жон бериб, шон-шараф топдим,
Эрк-озодлик учун жасур Широқ бўлсам.

Ёримга доим етсин эзгу дуоим,
Ўқтам кўнглида шояд бир сўроқ бўлсам.

Муҳаббат йўлида ўлмоққа розиман,
Беишқлардан мен ҳар қачон йироқ бўлсам.

Жўшқин оқар дарёга бир ирмоқ бўлсам,
Икки дилни боғлаган кўш қирғоқ бўлсам...

Юзининг шуъласига парвона бўлдим,
Шалолодек тошиб, жўшиб махлиқо келар.

Офтоб чиққан янглиғ қалбим ёришиди,
Камалак ранг белбоғ боғлаб само келар.

Муҳаббат деб ёндинг, ёр меҳрига қондинг,
Кувон, Неъмат, ишқ дардига даво келар.

ОШИҚ ҚАЛБИНИНГ ЗИЁСИ

Санам кўзларинг қаросиман,
Қалам қошларининг оросиман.

Жамолин кўриб, беором бўлдим,
Оташ ишқининг мубталосиман.

Нега паришон, кимга ҳумор ул,
Юрак дардининг давосиман.

Садоқатга қалбимни очдим,
Бевафоларнинг оғир жафосиман.

• МУЛОҲАЗА

ХАВФЛИ ИЛЛАТДАН ҚУТУЛА ОЛАМИЗМИ?

Инсон фариштадек пок ва муқаддас дунёга келади. У улгайиши билан ҳаёт зарбаларига дуч келади. Гоҳо билиб-билмай зарарли одатлар эгаси бўлиб қолса, гоҳо шу одатларга беихтиёр бўйсунди. Ҳаётда ҳар ким ўз йўлини ўзи топиши керак. Зарарли одатларга қарши курашишга қодир бўлмаган инсонлар ҳаёт йўлидан адашиб, ўз бахтларидан бир умрга жудо бўладилар.

Инсониятни ҳалок этадиган шундай зарарли одатлардан бири бу — кашандаликдир. Олимларнинг таъкидлашича, тамаки дунёда ҳар йили минглаб инсонларнинг ўлимига, ундан ҳам кўпроқ кишиларнинг касал ва ногирон бўлишига сабаб бўлаётир. Сўнгги йилларда ёшларимиз орасида бу иллат «мода»га айланиб бормоқда. Улар худди сигарета чекиб кучли одамга айланиб қолгандай сезадилар ўзларини. Ҳақиқатда эса заиф ва ногирон инсонлар қаторига кириб бораётганларини тан олмайдилар.

Бу борада мутахассисларнинг илмий хулосаларига

тўхталадиган бўлсак, тамаки тутунининг таркибида 4000 дан зиёд заҳарли моддалар мавжуд. Дунёда ёнгинлар 70 фоизининг сабабчиси ҳам сигарета, ёнгин айбдорларининг 95 фоизи эса кашандалардир. Маълум бўлишича, чекмайдиган одам чекилаётган хонада 4 соат ўтирса, 10 дона тамаки чекканчалик заҳарланар экан. Чекилган ҳар бир дона сигарета 15 дақиқа умрни қисқартиради. Демак, бевақт ўлимнинг 45 фоизи тамаки туфайлидир.

Шунингдек, Англияда чекувчилар билан ишлаб,

аммо ўзи чекмаган 40 минг киши рақ касаллиги билан оғриган. Тамаки инсон иш қобилиятининг 20 фоизи, жисмоний кучининг эса 12 фоизининг камайишига сабаб бўлади. Кашанда онанинг фарзанди чекмайдиган аёлнинг фарзандидан кичикроқ ва турли заифликлар билан туғилиши аниқланган.

Шундай экан, қачонгача биз бундай нохуш воқеаларнинг сабабчиси бўлаемиз, эндигина дунё юзини кўрган гўдакда нима айб? Нима сабабдан тамакининг беҳисоб зарарларини била туриб, ундан узоқлаша олаемиз? Шунга ўхшаш саволлар берамиз-у турли хил жавоблар оламиз. Аммо берган жавобимизга ўзимиз амал қилаемизми?

Малоҳат АЛИЕВА,
«Бунёдкор» ёшлар телеклубининг
«Журналистика» гуруҳи аъзоси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳоқимияти
«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**«Севимли шаҳрим» акцияси доирасида
«Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда»
мавзусида энг яхши фотосуратлар
кўрик-танловини эълон қилади.**

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:
**Кўҳна Тошкент;
Миллий қадриятлар;**

Истиқлол нашидалари.

Фотосуратларни
Тошкент шаҳар, 700005,
Мовароуннаҳр кўчаси, 14
манзилига юборинг.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркум)
асар қабул қилинади, туркум ҳам
бир асардек қўрилади.

*Энг яхши фотосуратлар
қимматбаҳо совғалар ва дипломлар
билан тақдирланади.*

Маълумотлар ТТВ телеканали, «Пойтахт-информ»
радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент»
газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

**Севимли
ШАҲРИМ**

«Рустам-НК» масъулияти чекланган жамияти Низом жамғармасини икки миллион сўмдан олти юз саксон минг сўмгача камайтиришни билдиради.

Давъолар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 35-89-90 телефони орқали қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кўнларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар
учун телефон:
133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР
Кўчаси,
32-уй, 2-ҚАВАТ,
204-ХОНА.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»
Сизларни биржа савдоларига тақлиф этади.

Биржа савдоларига Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Х.Олимжон» майдони («Пойтахт бизнес мажмуаси»нинг ғарбий қисми)да жойлашган қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

Т/р	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи сўм
1	118	43 081 800
2	113	41 256 300
3	56	20 445 600
4	110	40 161 000
5	152	55 495 200
6	141	51 479 100
7	24	8 762 400
8	16	5 841 600
9	78	28 477 800
10	43	15 699 300
11	32	11 683 200
12	34	12 413 400
13	17	6 206 700
14	84	30 668 400
15	62	22 636 200
16	24	8 762 400
17	72	26 287 200
18	121	44 177 100
19	81	29 573 100
20	27	9 857 700
21	16	5 841 600
22	24	8 762 400

Т/р	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи сўм
23	15	5 476 500
24	154	56 225 400
25	154	56 225 400
26	69	25 191 900
27	26	9 492 600
28	74	27 017 400
29	147	53 669 700
30	65	23 731 500
31	205	74 845 500
32	434	158 453 400
33	141	51 479 100
34	219	79 956 900
35	72	26 287 200
36	1004	366 560 400
37	385	140 563 500
38	235	85 798 500
39	78	28 477 800
40	257	93 830 700
41	74	27 017 400
42	76	27 747 600
43	77	28 112 700
44	72	26 287 200

Биржа савдолари ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар кун «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

СПОРТ

Миржалол Владикавказда

Ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи, «Пахтакор» жамоасининг мохир ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Миржалол Қосимов айна кунларда Владикавказда. Гап шундаки, жорий йилдаги мавсумни «Спартак-Алания» таркибидеги нихоялашми ният қилган ўзбекистонлик футболчи клуб раҳбарлари билан ярим йилга шартнома тузишга муваффақ бўлган. Ҳатто Қосимов Россия биринчилигининг «Спартак-Алания» — «Черноморье» жамоалари учрашувида майдонга тушиб жамоадошининг рақиблар дарвозасига тўп киритишига ёрдам берган.

Рейтинг натижалари

ФИФА ўтказган рейтинг натижаларига кўра мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» жаҳон клублари орасида эгаллаб турган 56-ўриндан 46-ўринга кўтарилган. «Пахтакор» МДХ Кубоги ҳамда Осиё чемпионлар лигасидаги муваффақиятли иштироки учун ана шундай натижага эришган. «Пахтакор» МДХ клублари орасида ҳозирча биринчи ўринни эгаллаб турибди. Қизиғи шундаки, Киевнинг «Динамо» жамоаси ҳам рейтинг натижаларига кўра «Пахтакор»дан бир неча поғона куйда жойлашган. Рейтинги натижалари мутахассислару мухлисларни ҳайратга солмоқда. Севимли жамоамиз бу ишончли оқибат, янада қиройли ўйинлар намойиш этса бўлгани.

Ёш шахматчилар беллашди

Республика шахмат-шашка клубида 10, 12, 14 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Тўққиз кун мобайнида ушбу мусобақаларни қузатган мухлислар юздан зиёд ёш шахматчиларнинг ақлий мушоҳадаларига, фикрлар қурашига гувоҳ бўлишди.

Биринчиликнинг аҳамияти шунда бўлдики, ғолиб ва совриндорларга келгуси йили ўтадиган шахмат бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланма берилди. Бахслар мурасисиз, кескин ва комбинацияларга бой тарзда кечди. 10 ёшлилар орасида самарқандлик Жаҳонгир Воҳидовга Ўзбекистон чемпиони бўлишдек бахт насиб этди. Шу ёшдаги қизлар баҳсида эса барча рақибларини мағлуб этиб етти имкониятдан етти очко жамғарган боёвтулик Сарвиноз Қурбонбоевага омад кулиб боқди. Шунингдек, 12 ёшгача бўлган қизлар беллашувларида пойтахтлик шахматчи, спорт усталигига номзод Шаҳноза Собировага ҳеч қим бас келолмади. Саккиз имкониятдан саккиз очко жамғарган Шаҳноза энди келгуси йили ўтадиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. 12 ёшлилар гуруҳининг ўғил болалар баҳсида самарқандлик Жамшид Мустафоев мамлакат чемпиони деб эътироф этилди. Қизлар баҳсида рақибларидан кўра маҳоратли ўйин намойиш этган тошкентлик Ирина Геворган ҳамда кўконлик Нафиса Мўминовалар биринчи, иккинчи ўринларни эгаллашди. Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорлар Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг совринлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Акбар Йўлдошев

Тошкент шаҳар ҳоқимияти

«Қамолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, уқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишилари мумкин.

Сизнинг фантазиянгиз ажойиб гулзорлар, боғлар, маъсозлар, турли манзарали гулдворлар ва бошқа узига ҳақдор эсимларни яратишига қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташиқлотчиларга 1 октябрдан тақдим этишилари зарур.

Ўзбекистон фотосуратлар ва видеотасмалар кўриғиди ҳайвонот ва ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташиқлотчиларга 1 октябрдан тақдим этишилари зарур.

Маълумотлар ТТВ телеканал, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Бечерний Ташкент» газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz

Тошкент шаҳар ҳоқимияти, «Қамолот» кўрик-танлов бўлими, 14-Майнинг улуғ майдонидаги 133-21-05, 133-38-03

— Кечаси соат икки яримлар чамаси эди. Қутилмаганда икки нотаниш шахс хонадонимизга бостириб кирди ва мендан пуллар ҳамда машинанинг қалитини беришимни талаб қилишди, — дея ҳаяжонланиб ҳикоя қилибди жабрланувчи. — Мен уларнинг талабига бўйсунмаган эдим, дўқ-пўписа қилиб, кўрқитишди. Улардан бири қўлидаги пичоқ билан қорнимни тилиб, қаттиқ шикаст етказди. Шундан кейин ҳам айтганларини бажармасам, ҳолимга маймуналар йиғлашини таъқиқлади. Сўнгра, ўзга чорам қолмаганлигини тушуниб, тўшак тағида турган 300 минг сўм пулларини ва ҳамқишлоғим Эргаш акага тегишли «ВАЗ-2105» русумли автомобилнинг қўлига топширишга мажбур бўлдим.

Мазкур жиноятни эздиқ билан иссиқ изида очиб мақсадида туман ИИБ раҳбарияти томонидан шовилчиқ тадбир ишлаб чиқилди. Воқеа юз берган хонадонда жиноятга дахлдор бўлган ҳар бир ҳолат синчковлик билан қўздан кеңирилар эди. Аммо бу каби вазиятларда қандай иш тутиш лозимлигини бой тажрибалари орқали кўп бор синовдан ўтказган милиция ходимларининг назаридеда ушбу жиноятнинг тафсилоти бирмунча галатирокдек қўринадир. Бундан ташқари, жабрланувчи айтганидек, унга ҳамла қилган шахсларнинг бирон жойда бармоқ ёки оёқ излари топилмади. Хонадондаги ҳиқораз ҳам батариб турар, эътиборни ўзига жалб этувчи бирон бир ҳолат кўзга ташланмасди. — Биз мазкур жиноий ҳаракатнинг яғо

на гувоҳи бўлмиш жабрланувчи, яъни Жасурдан воқеа тўғрисида янада аниқроқ гапириб беришини сўраган эдик, ҳамма нарса кейин ойдинлашди, — дейди туман ИИБ терговчиси, милиция майори Эълмурод Ерматов. — У энди бироз талмовсираб турса-да, бўлиб ўтган воқеани рўй-рост айтиб берди.

• НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

ҚАЛТИС «ЎЙИН»

Шайхонтоҳур тумани ИИБ навбатчилик қисмига Жарарик даҳасида жойлашган 40-ўйда босқинчилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар келиб тушди. Воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳи ходимлари жабрланувчининг берган кўрсатмалари асосида суриштирув-текширув ишларига киришдилар.

Хуллас, аслида воқеанинг ҳаммаси бутунлай бошқача тарзда рўй берганилиги ойдек равшанлашди.

Андижонлик Жасур исмли ушбу йигит ҳамқишлоғи Эргаш ака билан Тошкентга ишлагани келишган. Уша кунни Эргаш ака оиласидан хабар олиш учун қиллоғига йўл олади. Кечқурун зериканидан нима қилишга боши қотган Жасур унинг машинасини кўчага ҳайдаб чиқади. Йўлда ҳеч қандай ҳужжатларсиз ўзига тегишли автоуловни бошқариб бораётган ҳайдовчига ИПХ ходимлари тўхташ ишорасини кўрсатишади. Аммо у инспекторларнинг талабини бажариш ўрнига тезликни оширади. Машинанинг ёнигилиги тугагач эса уни йўлда қолдириб, ўзи қочиб кетади. Уйига келгач, ма-

• МАЪРИФАТ

СУҲБАТ МУНОЗАРАГА ЧОРЛАДИ

Яқинда Абдулла Қодирий номидеги Тошкент Давлат маданият институтида «Ўзбекистонда иқтимоий-сиёсий муҳитни барқарорлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ислом динининг ўрни» мавзусида маърифий давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов сўзга чиқиб, ёшлар тарбиясида ислом динининг ўрни, динимиз, қадриятларимиз, азалий урф-одатларимизни юзгага чиқаришда Мустақиллигимизнинг ўтган 12 йили давомида амалга оширилган ишлар борасида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, институт проректори Абдухалил Маврулов ислом дини ота-боболаримизни доимо яхшиликка, эзгу ишларга қорлаб келганлиги ва мана шунлар туйғайли ҳам халқимиз асплар оша юксак маънавияти, бой мероси ва миллий аънаваларини мустаҳкам сақлаб қолганлиги ҳақида гапирди.

Муфтий Абдурашид қори Баҳромов талабалар томонидан берилган барча саволларга ҳаётий мунозар билан атрофлича жавоб берди. Суҳбат баҳс-мунозара билан якулланди.

Гулҳеҳра ДУРДИЕВА

шинанинг эғасига нима деб тушунтиришга боши қотган Жасурнинг миясига «антика» бир хаёл келиб қолади. У шу асосида режа тузади ва дарҳол ишга киришади. Ишни энг аввал тўшак тағидаги 300 минг сўм пулларни олиб, маҳалладаги янги қўрилаган уйлاردан бирининг девори тағига берктишдан бошлайди. Жигуланинг қалитини ҳам гумдон қлади ва сўнгра эса режасининг асосий босқичига қўйиб, ўз танасининг қорин қисмини тилади. Шундан кейингина «02»га сим қоқиб, хонадонига босқинчилар ҳужум қилганини тўғрисида шовилчиқ хабар беради.

Ички ишлар идорасига берилган мазкур ёлгон хабар асосида ходимлар дарҳол ҳозир бўлишди. Уларнинг қанча вақтлари сарф этилди. Транспорт-техника кучларидан фойдаланилди.

Суд-тиббиёт экспертизаси ходимлари ҳам жалб этилиб, уларнинг махсус текширишлари натижасида «жабрланувчи»нинг қорнидаги жароҳатни унинг ўзига ўзи етказган деб қатъий хулосага келинди.

Шундай қилиб қаҳрамонимиз мазкур «Ўйин»нинг жиноят эканлигини, унинг оқибати нима билан тугаши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганлиги учун ҳозирда қаттиқ пушаймон қилаётган бўлса ажаб эмас. Аммо гишт қолгандан кўчиб бўлган. Ҳар бир босилган қингир қадам албатта, қонун доирасида баҳоланади.

Самариддин ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази ноэири.

ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Шифокор: Бошингизнинг қаери оғрийдими?
Бемор: Сочимдан бошқа ҳамма ери оғрийдими.

— Қўшни, сизни нимага болалар яхши кўришади?
— Боғимда ёнғоқ билан олхўри борлигига-да.

Мухбир: Раис ака, сизларнинг жамоада ишислар борми?
— Бор, уларни бозордан топса бўлади.

— Оппоқ қиз, мен сизни яхши кўраман.
— Яхши кўрсангиз кўзойнақ тақмаган бўлардингиз!

— Ўғлим, нимага қучқуннинг қулоғини кесаяпсан?
— Овқатини деб олсин, деб қақирсам, тушунмади. Шунга қулоғини кесиб қўяялман.

Боласининг билимини текширмоқчи бўлган дадаси сўрабди:

— Ўғлим, икки қарра икки неча бўлади?
— Олти бўлади.
— Яхшироқ уйлагин.
— Уйладим дада, саккиз бўлади.
— Бўпти, ўғлим. Уша саккизини иккига бўлиб берақол.

— Ака, ўтган йили қачон уйланасиз, деб сўраганимда, «Бойлар ҳам йиғлайди» деган кино тугаса, дегандингиз. Кино тугаганига ҳам анча бўлди.

— Ҳа, укам, шундай деганим рост. Лекин «Санта Барбара» деган кино тугамаптида.



Сўзсиз сурат.
Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳоқимияти

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-29-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажини — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нусхада босилади. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, қоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Найр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.